



## Significance of the principles of the Criminal Code when exempting from criminal liability and punishment

Akrom TOSHPULATOV<sup>1</sup>

Tashkent State University of Law

### ARTICLE INFO

**Article history:**

Received December 2022

Received in revised form

15 December 2022

Accepted 20 January 2023

Available online

15 February 2023

**Keywords:**

crime,  
criminal liability,  
punishment,  
principle,  
exemption from liability.

### ABSTRACT

The Criminal Code of the Republic of Uzbekistan contains a number of rules regarding exemption from liability and punishment. In the literature, there are different views on the compatibility of these norms with the principles of criminal law. The author believes that the rules on the exemption from criminal liability and punishment do not correspond to the content of the principle of inevitability of responsibility. Based on the analysis of scientific literature and foreign legislation, the article puts forward proposals for improving the norms of the Criminal Code.

2181-1415/© 2023 in Science LLC.

DOI: <https://doi.org/10.47689/2181-1415-vol4-iss1/S-pp161-170>

This is an open access article under the Attribution 4.0 International (CC BY 4.0) license (<https://creativecommons.org/licenses/by/4.0/deed.ru>)

## Жиноий жавобгарликдан ва жазодан озод қилишда Жиноят кодекси принципларнинг аҳамияти

### АННОТАЦИЯ

**Калит сўзлар:**

жиноят,  
жиноий жавобгарлик,  
жазо,  
принцип,  
жавобгарликдан озод  
қилиш.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексида жавобгарликдан ва жазодан озод қилишга оид бир қанча нормалар мавжуд. Ушбу нормаларнинг жиноят ҳуқуқи принципларига мослиги масаласида адабиётларда турли қарашлар мавжуд. Муаллиф, жиноий жавобгарликдан ва жазодан озод қилишга оид нормалар жавобгарликнинг муқаррарлиги принципи мазмунига мос эмас, деб ҳисоблайди. Мақолада илмий адабиётлар ва хорижий қонунчилик таҳлили асосида Жиноят кодекси нормаларини такомиллаштириш бўйича таклифлар илгари сурилган

<sup>1</sup> Independent Researcher, Tashkent State University of Law.

# Значение принципов Уголовного кодекса при освобождении от уголовной ответственности и наказания

## АННОТАЦИЯ

### **Ключевые слова:**

преступление,  
уголовная  
ответственность,  
наказание,  
принцип,  
освобождение от  
ответственности

Уголовный кодекс Республики Узбекистан содержит ряд норм, касающихся освобождения от ответственности и наказания.

В литературе существуют разные взгляды на совместимость этих норм с принципами уголовного права. Автор считает, что нормы об освобождении от уголовной ответственности и наказания не соответствуют содержанию принципа неотвратимости ответственности. В статье на основе анализа научной литературы и зарубежного законодательства выдвигаются предложения по совершенствованию норм Уголовного кодекса

## КИРИШ

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси (ЖК) принциплари мазмунини батафсил қараб чиққанда шахсни жавобгарликдан ва жазодан озод қилиш масалалари назарда тутилмаганлигини аниқлаш қийин эмас.

ЖК 10-моддасида қилмишида жиноят таркибининг мавжудлиги аниқланган ҳар бир шахс жавобгарликка тортилиши шартлиги жавобгарликнинг муқаррарлиги принципи сифатида белгиланган.

Шу билан биргаликда, ЖКда жавобгарликдан ва жазодан озод қилишга оид бир қанча нормалар мавжудлиги жавобгарликнинг муқаррарлиги принципи мазмунига қанчалик мос келади, деган илмий доирадаги баҳс-мунозаралар ушбу масалани тадқиқ қилишнинг долзарблигини белгилайди

## МАТЕРИАЛ ВА МЕТОДЛАР

Тадқиқотда Ўзбекистон Республикасининг амалдаги жиноят қонунчилиги, хорижий давлатлар жиноят қонунчилиги, суд амалиёти материаллари, амалиёт ходимлари ўртасида ўтказилган сўров натижалари, соҳа олимларининг мазкур масала юзасидан илмий ишлари таҳлил қилинди.

Тадқиқот методлари сифатида қиёсий-ҳуқуқий, эмпирик тадқиқот, статистик маълумотлар таҳлили, сўров ўтказиш каби усуллардан фойдаланилди.

## ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ

Бугунги кунда адабиётларда жавобгарликнинг муқаррарлиги ҳақида сўз юритилади, аммо яқин вақтларгача жазонинг муқаррарлиги ҳақида баҳслар юритилар эди.

Жазонинг муқаррарлиги ҳақида Ч.Беккариа ўзининг “Жиноятлар ва жазолар ҳақида”ги асарида фикр билдириб, жиноятларнинг олдини олишнинг самарали воситаси жазонинг оғирлигида эмас, балки унинг муқаррарлигидадир. Ҳатто арзимас бўлган жазодан ҳам қутулиш имкониятининг йўқлиги, энг оғир жазодан кўрқкишдан кўра (агар бунда жазодан қутулиб қолиш имкони бўлса) ҳам кучлироқ таъсир кўрсатади, деган эди [1].

Вақт ўтиши билан жазодан эмас, балки жавобгарликдан озод қилиш ҳақида сўз юритилган бўлди.

Дунё бўйича жиноят қонунчилиги ривожланиб бориши билан жиноятчиликка қарши репрессив усуллар билан курашишдан кўра, рағбатлантирувчи усулларга устуворлик берилиши, жиноят содир қилган шахсни жазолашдан кўра жиноят туфайли бузилган ҳуқуқни тиклашга кўпроқ эътибор қаратилиши сабабли, қонунчиликда жиний жавобгарликдан ва жазодан озод қилишга оид нормалар кўпайиб бораверди.

Бу эса ўз навбатида жиний жавобгарликнинг муқаррарлиги масаласида янгича ёндашувларни келтириб чиқарди.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексида ҳам жавобгарликдан озод қилишнинг умумий ва махсус асослари мавжуд. Жумладан, ЖК бешинчи бўлими “Жавобгарликдан ва жазодан озод қилиш” деб номланиб, XII боби “Жавобгарликдан озод қилишнинг турлари” деб номланади. У 6 та моддани ўз ичига олади. Уларга:

- жавобгарликка тортиш муддатининг ўтиб кетганлиги муносабати билан жиноят учун жавобгарликдан озод қилиш (ЖК 64-моддаси);
  - қилмиш ёки шахс ижтимоий хавфлилигини йўқотганлиги муносабати билан жавобгарликдан озод қилиш (ЖК 65-моддаси);
  - айбдор ўз қилмишига амалда пушаймон бўлганлиги муносабати билан жавобгарликдан озод қилиш (ЖК 66-моддаси);
  - ярашилганлиги муносабати билан жиний жавобгарликдан озод қилиш (ЖК 661-моддаси);
  - касаллик туфайли жавобгарликдан озод қилиш (ЖК 67-моддаси);
  - амнистия акти асосида жавобгарликдан озод қилиш (ЖК 68-моддаси)
- киради.

Шунингдек, вояга етмаганлар жиний жавобгарлиги хусусиятларига бағишланган Жиноят кодексининг 87-моддасида ҳам “мажбурлов чораларини қўллаган ҳолда жавобгарликдан ёки жазодан озод қилиш”га оид нормалар белгиланган.

Бундан ташқари, ЖКнинг Махсус қисмининг 27-моддасида тегишли шартлар мавжуд бўлганида жавобгарликдан ва жазодан озод қилишга оид қоидалар мавжуд.

Юқорида кўрсатиб ўтилган жавобгарликдан озод қилишга оид нормалар жиноят қонунида жавобгарликнинг муқаррарлиги мавжудми, ушбу нормалар муқаррарлик принципига зид эмасми, деган саволларни келтириб чиқаради.

С.Г.Келина ва В.Н.Кудрявцевлар амнистия, авф ва муддат ўтганлиги муносабати билан жавобгарликдан озод қилиш жавобгарликнинг муқаррарлиги моҳиятига зид бўлмаган турлар деб кўрсатишган [2].

Жавобгарликнинг муқаррарлиги принципи жавобгарликдан озод қилиш институти моҳияти билан тўқнаш келар экан, аввало жиний жавобгарлик ва жавобгарликдан озод қилиш тушунчалари мазмунига тўхталиб ўтиш керак бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 16-моддасида жиноят учун жавобгарлик ва унинг асослари белгиланган. Унга кўра, “жिनий учун жавобгарлик – жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан суд томонидан ҳукм

қилиш, жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси қўлланилишида ифодаланадиган жиноят содир этишнинг ҳуқуқий оқибатидир.

Ушбу кодексда назарда тутилган жиноят таркибининг барча аломатлари мавжуд бўлган қилмишни содир этиш жавобгарликка тортиш учун асос бўлади”.

Я.М.Матвеевнинг фикрича, “жиноий жавобгарлик ўз субъектининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини жамлаган ҳуқуқий муносабат деган концепция. Жиноят содир этган шахс жиноят содир этган пайдан бошлаб, жиноят таркибини берувчи жиноятни содир этганлиги исботланган бўлса, унда мажбурият вужудга келади” [3].

Жиноят ҳуқуқи назарияси ривожланиб бориши билан жиноий жавобгарликни “ижобий” ва “салбий” жавобгарликка бўлиниши ҳақида қарашлар пайдо бўлди. Бу тушунчалар келажакка ва ўтмишга қаратилган жавобгарлик сифатида талқин қилинади.

Ижобий жиноий жавобгарликни интроспектив жавобгарлик деб аташ мумкин, чунки у шахсдан келиб чиқади.

Айрим олимларнинг фикрича, жавобгарликнинг тури (ижобий ёки салбий) ҳуқуқий муносабатлар доирасида амалга ошириладиган қонуний ёки қонунга хилоф ҳуқуқий хатти-ҳаракат туридан келиб чиқади.

Шунинг учун жавобгарлик хулқ-атворнинг ҳуқуқий оқибати сифатида ижобий ёки салбий бўлиши мумкин. Фалсафий нуқтаи назардан ҳар қандай ҳодисанинг ижобий ва салбий томонлари бор.

П.В.Коробовнинг фикрига кўра “баъзи олимлар ижобий жиноий жавобгарлик тушунчасини у жиноятчиларнинг жиноий хатти-ҳаракатдан кейин содир этиладиган ижобий хатти-ҳаракати деб ҳам аташади. Бу назария тарафдорлари жиноий жавобгарликдан озод қилишнинг турлари ривожланишига ҳисса қўшишган ва айбига чин кўнгилдан пушаймон бўлиш жиноий жавобгарликдан озод қилиш жиноят содир этилгандан кейин шахсларнинг ижобий хулқ-атворидаги махсус ҳолат ҳисобланади, деб айтишади. Ижобий жиноий жавобгарликдан озод қилиш, у фақат жиноят содир этгандан кейин пайдо бўлиши мумкин. Лекин, албатта, шахснинг ўтмишдаги жиноий хатти-ҳаракатлари учун жавобгарлигини ўрганиш муҳим ҳисобланади” [4].

Демак, шахснинг жиноят содир этганидан кейинги ўз қилмиши оқибатини бартараф этишга қаратилган ҳаракатлари ижобий жавобгарлик тушунчасини англатса, салбий жавобгарлик унинг содир этган қилмиши учун жавобгарликни англатади.

В.Сверчков фикрича, “Жиноий жавобгарлик-шахснинг субъектив (ички) идрок қилиш, ҳуқуқий асос бўлса, тасдиқлаш ёки қоралаш билан психологик ёки объектив (ташқи, ижтимоий) таъсир қилиш қобилятидир. Ижобий жиҳати билан жиноят қонунида назарда тутилган шахснинг хатти-ҳаракати жамият томонидан тасдиқланади” [5].

О.Ю.Аввакумованинг қайд этишича, “жиноий жавобгарлик Жиноят кодекси билан мустаҳкамланган жиноят содир этишда айбдор деб топилган шахсларга суд томонидан қўлланиладиган давлат чораси. Айбдор шахсларга ташкилий, мулкӣ ва шахсий характерга эга бўлган маълум бир мажбуриятларни юклаш, жиноят-ҳуқуқий соҳада кўрсатилган жазо қўллаш билан қўлланиладиган нормалардир.

Жиноий жавобгарликнинг қуйидаги хусусиятларини ажратиб кўрсатиш мумкин:

шахс томонидан давлат номидан ҳукм билан судланганлиги;  
маҳкумга нисбатан жиноий жазоларни қўллаш;  
судланганликнинг рўйхатга олинганлиги” [6].

Д.Қурбоновнинг таъкидлашича, “Жиноий жавобгарликдан озод этишнинг юридик табиати бугунги кунга қадар жиноят ҳуқуқи назариясининг энг мураккаб ва долзарб муаммоларидан бири бўлиб келмоқда, бу борада ҳалигача бир тўхтама келинмаган, у турли баҳс мунозараларга сабаб бўлмоқда” [7].

Д.Пайзиев эса, “жавобгарликдан озод қилиш дейилганда жиноят содир этган шахснинг ижтимоий хавfli ҳаракати у ёки бу ҳолатга кўра жавобгарликка тортилишининг бекор қилинишидир” [8] деган фикрни илгари суради.

Я. Матвеева фикрича, “Жиноий жавобгарликдан озод қилиш тушунчасига кўп таърифлар ва тавсифлар бўлган. Жиноят ҳуқуқи илмида жиноий жавобгарликдан озод қилиш айблов ҳукми шаклида давлатнинг унинг хулқ-атворига салбий баҳо беришдан рад этиш деган тасаввурлар пайдо бўлган.

Бундай қараш тарихий жиҳатлар билан боғлиқ бўлиб, давлат томонидан жиноят содир этиш натижасида келиб чиққан салбий оқибатларга чидаш мажбурияти сифатида қаралган” [9].

Демак, жиноий жавобгарликдан озод қилиш у ёки бу сабаб билан шахснинг хулқ-атворига салбий баҳо беришдан воз кечиш ҳисобланади.

Жиноий жавобгарликдан озод қилиш нафақат назарий ва услубий характерга эга, балки катта амалий аҳамиятга эга бўлган жиноят ҳуқуқининг асосий институти ҳисобланади. “Жиноий жавобгарликдан озод қилиш” тушунчаси унинг асосланиши, дифференциацияси, индивидуализацияси, амалга оширилиши муаммолари билан боғлиқ.

Жиноий жавобгарликдан озод қилиш қонунда назарда тутилган ҳолларда агар жиноят қонуни олдида турган вазифалар айбдорга нисбатан давлат мажбурулов чораларини қўлламасдан таъминлаш имкони бўлса, жиноятни содир этган шахс хатти-ҳаракатларини судлаш тарзида расмий жазо чораларини қўллашдан озод қилган ҳолда амалга оширилади.

Тадқиқот давомида ЖК 10-моддасида қилмишида жиноят таркибининг мавжудлиги аниқланган ҳар қандай шахс жавобгарликка тортилиши белгиланган. Бу ЖК 64-68-моддаларида назарда тутилган жавобгарликдан озод қилиш ҳақидаги нормаларга зид эмасми? деган савол билан мутахассисларга мурожаат қилинди.

Сўровда қатнашган суриштирувчи ва терговчиларнинг 46% ушбу саволга ЖК 10-моддасига шахс жавобгарликдан озод қилиниши мумкинлиги ҳақида норма киритиш керак деб, 50% жавобгарликдан озод қилиш инсонпарварлик принципига асосланади, 4% эса бошқа фикрда эканлигини билдиришган.

Шу саволга судьяларнинг 50% ЖК 10-моддасига шахс жавобгарликдан озод қилиниши мумкинлиги ҳақида норма киритиш керак деб, 37% жавобгарликдан озод қилиш инсонпарварлик принципига асосланади, 13% эса бошқа фикрда эканлигини билдиришган.

Сўров натижалари амалиёт ходимларида ҳам жавобгарликдан озод қилиш жавобгарликнинг муқаррарлигига мослиги ҳақида иккиланишлари борлигини кўрсатмоқда.

Олий суд раиси ўринбосари И.Муслимовнинг билдиришича, мамлакатимиз судлари томонидан 2017-2021 йилларда ярашув институтининг самарали қўлланилиши натижасида 12 минг 310 фуқаро жиноий жавобгарликдан озод этилди [10].

Ўзбек тилининг изоҳли луғатида муқаррар сўзи 1) вужудга келиши, юз бериши, амалга ошиши аниқ бўлган, шубҳасиз, турган гап; 2) қарор топган, турғун ҳолга келган, тайинли деган маъноларни билдириши кўрсатилган [11].

Демак жавобгарликнинг муқаррарлиги амалга ошиши аниқ, қайтиб бўлмайдиган тушунча бўлар экан, жавобгарликдан озод қилишга оид нормалар эса, бу муқаррарлик мазмунига зид келади. Бундан ташқари юридик жавобгарликнинг бир нечта турлари мавжуд бўлиб, ЖКда айнан жиноий жавобгарлик масалалари тартибга солинган. Шу сабабдан ҳам модда номи ва матнида жиноий жавобгарлик эканлиги кўриниб туриши керак.

ЖКнинг Умумий қисмида жавобгарлик ва жазодан озод қилишга оид қоидалар, Махсус қисмининг 27-моддаларида жавобгарлик ва жазодан озод қилишга оид махсус чоралар белгиланган бўлиб, бу амалда жавобгарликнинг муқаррарлиги принципи талабига мос эмас.

ЖКнинг Умумий қисмида жавобгарликдан озод қилишга оид 6 та модда (64-68-моддалар), шунингдек 87-моддада вояга етмаганларни мажбурлов чораларини қўллаган ҳолда жавобгарликдан озод қилишга оид норма мавжуд. ЖКнинг 87-моддасига мувофиқ, ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятни биринчи марта содир этган вояга етмаган шахс, агар содир этган қилмишининг хусусиятлари, айбдорнинг шахси ва ишнинг бошқа ҳолатларини эътиборга олиб, уни жазо қўлламаздан туриб ҳам тузатиш мумкин деган хулосага келинса, жавобгарликдан озод қилиниб, иш вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссияда кўришга топширилиши белгиланган.

ЖКнинг 88-моддасида мажбурлов чораларига таъриф берилган бўлиб, унга мувофиқ вояга етмаганларга қуйидаги мажбурлов чоралари қўлланилиши мумкин:

суд белгилайдиган шаклда жабрланувчидан узр сўраш;

16 ёшга тўлмаган шахс зиммасига етказилган зарарни ўз маблағи ҳисобидан ёки меҳнати билан тўлаш ёки бартараф қилиш мажбуриятини юклаш. Бунда ушбу чора агар етказилган зарар белгиланган базавий ҳисоблаш миқдорининг 10 бараваридан ошиб кетмаган бўлса қўлланилади. Бошқа ҳолларда зарар фуқаровий ҳуқуқий тартибда ундирилади;

Бундан ташқари ЖК Махсус қисмининг 27 та моддасида жавобгарликдан озод қилишнинг махсус асослари назарда тутилган.

Жазодан озод қилишнинг умумий асослари ЖКнинг Умумий қисми 8 та моддасида (69-76-моддалар) назарда тутилган, шунингдек ушбу умумий асослардан ташқари вояга етмаганларни жазодан озод қилишга оид қоидалар ЖК 87-90-моддаларда акс эттирилган.

Жазодан озод қилишга оид умумий асосларнинг ўзига хослиги, бунда шартли ҳукм қилиш, жазони ўташдан муддатидан олдин озод қилиш, жазони

енгилроғи билан алмаштириш ҳам жазодан озод қилишнинг умумий асосларига киритилганлигидир.

Бундан ташқари, ЖК Махсус қисмининг 6 та моддасида жазодан озод қилишга оид махсус асослар белгиланган.

Бу махсус асослар қуйидагилардан иборат:

ЖК 157-моддаси (Давлатга хоинлик қилиш) учинчи қисми (Башарти, Ўзбекистон Республикасининг фуқароси, ўз қилмиши тўғрисида ҳокимият органларига ихтиёрий равишда хабар қилиб, жиноятни очишга фаол ёрдам берган ва бунинг натижасида давлат учун келиб чиқиши мумкин бўлган оғир оқибатларнинг олди олинган бўлса, жазодан озод қилинади);

ЖК 159-моддаси (Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузумига тажовуз қилиш) бешинчи қисми (Фитна тўғрисида ҳокимият органларига ихтиёрий равишда хабар берган шахс, башарти, қўрилган чоралар натижасида фитнанинг олди олинган бўлса, жазодан озод қилинади);

ЖК 160-моддаси (Жосуслик) учинчи қисми (Ўзининг жинойий фаолиятини ихтиёрий равишда тўхтатган ва қилмиши тўғрисида ҳокимият органларига маълум қилиб, жиноятнинг очилишига фаол ёрдам берган шахс, башарти, давлат учун келиб чиқиши мумкин бўлган оғир оқибатларнинг олди олинган бўлса, жазодан озод қилинади);

ЖК 175-моддаси (Ўзбекистон Республикасининг манфаатларига хилоф равишда битимлар тузиш) тўртинчи қисми (Етказилган моддий зарар уч карра миқдорида қопланган тақдирда шахс жазодан озод этилади);

ЖК 273-моддаси (Гиёвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддаларни ўтказиш мақсадини кўзлаб қонунга хилоф равишда тайёрлаш, олиш, сақлаш ва бошқа ҳаракатлар қилиш, шунингдек уларни қонунга хилоф равишда ўтказиш) олтинчи қисми (Ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган қилмишларни содир этган шахс ўз ихтиёри билан айбини бўйнига олиш тўғрисида ҳокимият органларига арз қилса ва гиёвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддаларни топширса, жазодан озод қилинади);

ЖК-276-моддаси (Гиёвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддаларни ўтказиш мақсадини кўзламай қонунга хилоф равишда тайёрлаш, эгаллаш, сақлаш ва бошқа ҳаракатлар) учинчи қисми (Ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган қилмишларни содир этган шахс ўз ихтиёри билан айбини бўйнига олиш тўғрисида ҳокимият органларига арз қилса ва гиёвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддаларни топширса, жазодан озод қилинади).

Юқорида кўрсатиб ўтилган жазодан озод қилиш асослари қандай мезонларга асосланганлиги номаълум. ЖК 157, 159 ва 160-моддаларида жазодан озод қилиниши назарда тутилган жиноятлар ўта хавфли жиноятлар бўлса, ЖКнинг 175-моддасида эса унча оғир бўлмаган (биринчи қисм), оғир (иккинчи қисм), ўта оғир (учинчи қисм) жиноятлар, ЖК 273-моддасида унча оғир бўлмаган (биринчи қисм) ва 276-моддада ижтимоий хавфи катта бўлмаган (биринчи қисм) жиноятлар учун жазодан озод қилиш мумкинлиги белгиланган.

Жазодан озод қилиш асосларида шартли ҳукм қилиш бир қанча саволларни келтириб чиқаради. ЖКнинг 72-моддасига мувофиқ, агар суд озодликдан маҳрум

қилиш, интизомий қисмга жўнатиш, хизмат бўйича чеклаш ёки ахлоқ тузатиш ишлари жазоларини тайинлаш вақтида содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражаси, айбдорнинг шахси ва ишдаги бошқа ҳолатларни эътиборга олиб, айбдор тайинланган жазони ўтамасдан туриб ҳам унинг хулқини назорат қилиш орқали тузатиш мумкин, деган қатъий фикрга келса, шартли ҳукм қўллаши мумкин. Бундай ҳолда суд, башарти, белгиланган синов муддати давомида жазонинг шартлилигини бекор қилиш асослари келиб чиқмаса, тайинланган жазони ижро этмаслик тўғрисида қарор чиқаради.

Синов муддати бир йилдан уч йилгача белгиланиб, ҳукм чиқарилган кундан бошлаб ҳисобланади. Башарти, шартли ҳукм қилиш тўғрисидаги қарор юқори суд томонидан чиқарилган тақдирда ҳам, синов муддатини ҳисоблаш шу кундан бошланади.

Агар шартли ҳукм қилинган шахс синов муддати давомида суд унга юклаган мажбуриятларни бажармаса ёхуд жамоат тартиби ёки меҳнат интизомини бузганлиги учун унга маъмурий ёки интизомий таъсир чораси қўлланилган бўлса, суд унинг хулқи устидан назорат олиб боровчи орган тақдимномасига биноан жазонинг шартлилигини бекор қилиб, ҳукмда тайинланган жазони ижро этиш тўғрисида ажрим чиқариши мумкин.

ЖК 72-моддаси мазмунидан кўриниб турибдики, шартли ҳукм қилишда шахс жазодан озод қилинмайди, балки у синов муддати давомида белгиланган шартларни бузмаса, суд жазони ижро этмаслик тўғрисида қарор чиқаради.

Шартли ҳукм қилиш жазодан озод қилиш тури ҳисобланиши ёки ҳисобланмаслиги тўғрисида хорижий тажриба ўрганилганида қуйидагилар аниқланди.

МДХ давлатлари Намунавий жиноят кодексининг 73-моддаси шартли равишда жазони қўллагаслик деб номланади [12] ва унинг мазмуни мамлакатимиз ЖКнинг 72-моддаси мазмунига яқин ҳисобланади. Бунда шартли равишда жазони қўллагаслик жазодан озод қилиш тури эмас, балки жазо тайинлашнинг умумий асослари сифатида белгиланган.

Худди шунга ўхшаш ҳолат Россия ЖКда ҳам кузатилади. Россия ЖКнинг 73-моддаси шартли ҳукм қилиш, 74-моддаси шартли ҳукмни бекор қилиш ёки синов муддатини узайтириш деб номланиб, ушбу моддалар жазо тайинлаш ҳақидаги бобда жойлашган бўлиб [13], шартли ҳукм қилиш жазодан озод қилиш тури сифатида белгиланмаган.

Беларусь Республикаси ЖКнинг Умумий Қисми 11-боби Жиноий жавобгарликнинг бошқа чоралари деб номланиб, унда жазо ижросини кечиктириб ҳукм қилиш (77-модда), жазони шартли қўллагаслик ҳақида ҳукм қилиш (78-модда), жазо тайинламасдан ҳукм қилиш (79-модда), превентив назорат (80-модда), маҳкумларни профилактик назорат қилиш (81-модда) ўз аксини топган [14]. Бу ерда ҳам шартли ҳукм қилиш жазодан озод қилиш асоси сифатида белгиланмаган.

Қозоғистон ЖКда ҳам шартли ҳукм қилиш жазодан озод қилиш тури сифатида эмас, балки жазо тайинлашнинг умумий асослари сифатида назарда тутилганлигини ушбу давлат ЖКнинг 63 ва 64-моддаларидан аниқлаш мумкин [15].



Юқорида кўриб чиқилган давлатлар ЖКларида шартли ҳукм қилиш жазодан озод қилиш тури сифатида кўрсатилмаган. Бизнингча, Беларусь Республикаси ЖКдаги тажрибани ўрганиш мақсадга мувофиқ, чунки шартли ҳукм қилиш ҳақиқатдан ҳам жазодан озод қилиш эмас, балки ЎзР ЖКнинг 2-моддаси иккинчи қисмида белгиланган бошқа ҳуқуқий таъсир чоралари ҳисобланади. Шу сабабдан ҳам ЖКда бошқа жиноят-ҳуқуқий таъсир чоралари мазмунини аниқ белгилаб берадиган алоҳида нормалар киритишни муҳокама қилиб кўриш вақти келди деб ҳисоблаймиз.

Шартли ҳукм қилиш ўз мазмунига кўра, ЖКнинг 7-моддаси иккинчи қисмида белгиланган жиноят содир этган шахсга нисбатан у ахлоқан тузалиши ва янги жиноят содир этишининг олдини олиш учун зарур ҳамда етарли бўладиган жазо тайинланиши ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси қўлланилиши мумкинлигида ифодаланадиган инсонпарварлик принципи мазмунига мос келади.

Шунингдек, ЖКнинг 74-моддасида белгиланган жазони енгилроғи билан алмаштириш ҳам ўз мазмунига кўра жазодан озод қилиш ҳисобланмайди. Ушбу модда мазмунига кўра, озодликдан маҳрум этилган, озодлиги чекланган ёки ахлоқ тузатиш ишларига ҳукм қилинган шахсларга нисбатан суд жазонинг ўталмаган қисмини енгилроқ жазо билан алмаштириши мумкин. Яъни бу ерда жазодан озод қилиш назарда тутилмапти, фақат маълум бир шартлар мавжуд бўлганида жазо енгилроқ бошқа жазога алмаштирилиши мумкин. Шу сабабдан ҳам, жазони енгилроғи билан алмаштириш жазодан озод қилиш ҳисобланиши масаласи алоҳида тадқиқ қилиниши лозим деб ҳисоблаймиз.

Шу билан биргаликда, ЖК 74-моддасининг номи ҳар қандай жазо бошқа енгилроқ жазо билан алмаштирилиши мумкин экан, деган фикрга олиб келиши мумкин. Ушбу модда мазмунидан келиб чиққан ҳолда, унинг номини жазонинг ўталмаган қисмини енгилроқ жазо билан алмаштириш деган тарзда баён этиш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Гарчи ЖКда жазони ижро этиш муддати ўтиб кетганлиги, шахс ижтимоий хавфлилик хусусиятини йўқотиши, айбдор ўз қилмишига амалда пушаймон бўлганлиги, шартли ҳукм қилиш, жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилиш, жазони енгилроғи билан алмаштириш, касаллик ёки меҳнат қобилиятини йўқотиш, амнистия ёки афв асосида жазодан озод қилиш турлари кўрсатилган бўлса-да, аммо Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодексида (ЖПК) кўрсатиб ўтилган ҳолатларда бошқа жазодан озод этиш асослари ҳам назарда тутилган.

ЖПКнинг 463-моддасида айблов ҳукмини чиқариш асослари белгиланган бўлиб, унинг иккинчи қисмига мувофиқ, мазкур ҳукм билан судланувчига тайинланган жазони қўллашдан озод қилувчи амнистия акти қабул қилинган бўлса, шахснинг ҳукм чиққунига қадар қамоқда ёки уй қамоғида бўлган вақти ЖК 62-моддасида назарда тутилган ушлаб туришни, қамоққа олишни ёки уй қамоғини ҳисобга олиш қоидаларини назарда тутиб, суд томонидан тайинланган жазо чорасига тенг ёки ундан ортиқ бўлса, суд жазодан озод қилиб айблов ҳукмини чиқаради.

Ушбу модданинг учинчи қисмига мувофиқ, қуйидаги ҳолларда суд жазо тайинламасдан айблов ҳукмини чиқаради:

1) маҳкум содир этган жиноят учун жазо тайинлашни истисно этадиган амнистия акти эълон қилинган бўлса (ЖК 76-моддаси);

2) мазкур жиноят учун айбланувчи тариқасида ишда иштирок этишга жалб қилиш муддати ўтиб кетган бўлса (ЖК 64 ва 69-моддалари);

3) ҳукм чиқариладиган вақтга келиб, қилмиш ижтимоий хавфлилигини йўқотса ёки уни содир этган шахс ижтимоий хавфли бўлмай қолса (ЖК 65 ва 70-моддалари);

**4) маҳкумнинг тузалишига жамоат бирлашмалари ва жамоалар томонидан қўлланиладиган жамоат таъсир чоралари ёки маъмурий жазо чоралари кўриш йўли билан эришиш мумкин бўлса;**

5) ҳукм чиқарилган вақтгача судланувчи вафот этган бўлса;

6) ЖКнинг 71-моддасига мувофиқ шахсни ўз қилмишига амалда пушаймон бўлганлиги туфайли жазодан озод қилиш учун асослар мавжуд бўлса.

ЖПКнинг 463-моддаси учинчи қисми 4-бандида белгиланган маҳкумнинг тузалишига жамоат бирлашмалари ва жамоалар томонидан қўлланиладиган жамоат таъсир чоралари ёки маъмурий чоралар кўриш йўли билан эришиш мумкин бўлганда шахсни жазодан озод қилиш ЖКда назарда тутилмаган.

Ушбу ҳолат қилмишнинг жинойилиги, жазога сазоворлиги ва бошқа ҳуқуқий оқибатлари фақат ЖК билан белгиланиши талабини қўйган қонунийлик принципи мазмунига зид ҳисобланади.

Фикримизча, ЖК ва ЖПК орасида номувофиқликни бартараф этиш учун ёки ЖКга маҳкумнинг тузалишига жамоат бирлашмалари ва жамоалар томонидан қўлланиладиган жамоат таъсир чоралари ёки маъмурий жазо чоралари кўриш йўли билан эришиш мумкинлиги билан эришиш мумкин бўлганида жазодан озод қилишга оид норма киритилиши керак ёки ЖПК 463-моддаси учинчи қисми 4-банди чиқариб ташланиши керак. Фикримизча, биринча вариант тўғри бўлади. Айнан шунга ўхшаш ҳолат Беларусь Республикаси ЖКнинг 79-моддасида назарда тутилган бўлиб, унга мувофиқ, суд жазо тайинламасдан айблов ҳукми чиқариши мумкинлигини белгиланган

#### **ХУЛОСА**

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, ЖКнинг амалдаги нормаларини такомиллаштиришга оид қуйидаги таклифлар илгари сурилади:

ЖК 10-моддасини қуйидаги таҳрирда баён этиш таклиф этилади:

**“10-модда. Жинойий жавобгарликнинг муқаррарлиги принципи**

Қилмишида жиноят таркибининг мавжудлиги аниқланган ҳар бир шахс жинойий жавобгарликка тортилиши шарт.

Ушбу Кодексда белгиланган ҳолатларда шахс жинойий жавобгарлик ва жазодан озод қилиниши мумкин”.

ЖКни қуйидаги мазмундаги 761-модда билан тўлдириш таклиф этилади:

**“761-модда. Жамоат бирлашмалари, жамоалар томонидан таъсир чоралари кўрилиши ёки маъмурий жазо чоралари кўриш асосида жазодан озод қилиш.**

Ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноятни содир этган шахсни жамоат таъсир чоралари қўллаш орқали тузатиш ҳақида жамоат бирлашмалари ва жамоалар томонидан илтимоснома киритилган ҳолларда, суд уни жазодан озод қилиши мумкин.

Ижтимоий ҳавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноятни содир этган шахсни маъмурий жазо қўллаш орқали ахлоқан тузатиш мумкин деган хулосага келинса, суд уни жазодан озод қилиши мумкин”.

**ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:**

1. Беккариа Ч. О преступлениях и наказаниях / перевод с итал. Ю.М.Юмашева. М., 2000 с. 117
2. Уголовный закон. Опыт теоретического моделирования / отв. ред. В. Н. Кудрявцев и С. Г. Келина. М., 1987. С. 26.
3. Матвеева Я.М. Институт освобождения от уголовной ответственности в российском уголовном праве: модернизация и поиск альтернативных способов урегулирования уголовно-правового конфликта. Дисс... на соис. уч. степ. канд. юрид. наук – Санкт-Петербург, 2015. – С.38.
4. Коробов П.В. Сущность освобождения от уголовной ответственности (исходные положения). ../сущност-освобождения-от-уголовной-ответственности-исходное-положения.пдф
5. Сверчков В.В. Концептуальные основы решения проблем освобождения от уголовной ответственности. Автореф.дисс... док.юрид.наук. – Нижний Новгород, 2008. –С.16.
6. Аввакумова О.Ю.. Уголовно-правовая регламентация освобождения от уголовной ответственности. Автореф. ... канд.юрид.наук. – Тюмень, 2007. – С.11
7. Курбонов Д. Жиноий жавобгарликдан озод қилиш асосларини такомиллаштиришнинг айрим масалалари. /Жамият ва инновациялар – Общество и инновации – Society and innovations. Special Issue – 6 (2021) / ISSN 2181-1415
8. Пайзиев Д. Ярашилганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилиш институтининг ретроспектив таҳлили. Общество и инновации. 2020 й. 1. 329-336. 10.47689/2181-1415-vol1-iss1/s-pp329-336.
9. Матвеева Я.М. Институт освобождения от уголовной ответственности в российском уголовном праве: модернизация и поиск альтернативных способов урегулирования уголовно-правового конфликта. Дисс... на соис. уч.степ. канд. юрид. наук – Санкт-Петербург, 2015. – С.38.
10. Қонунийлик ва холислик бош мезон. <https://sud.uz/2111-2/>
11. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 80 000 дан ортиқ сўз ва сўз бирикмаси. А.Мадвалиев таҳририри остида. [https://n.ziyouz.com/books/uzbek\\_tilining\\_izohli\\_lugati/O'zbek%20tilining%20izohli%20lug'ati%20-%20M.pdf](https://n.ziyouz.com/books/uzbek_tilining_izohli_lugati/O'zbek%20tilining%20izohli%20lug'ati%20-%20M.pdf)
12. Модельный уголовный кодекс для государств-участников Содружества Независимых Государств. <https://www.icrc.org/ru/doc/assets/files/other/crim.pdf>
13. Уголовный кодекс Российской Федерации. [http://www.consultant.ru/document/cons\\_doc\\_LAW\\_10699/](http://www.consultant.ru/document/cons_doc_LAW_10699/)
14. Уголовный кодекс Республики Беларусь. [https://kodeksy-by.com/ugolovnyj\\_kodeks\\_rb.htm](https://kodeksy-by.com/ugolovnyj_kodeks_rb.htm)
15. Уголовный кодекс Республики Казахстан. [https://online.zakon.kz/m/document?doc\\_id=31575252](https://online.zakon.kz/m/document?doc_id=31575252)